

**РЕАЛИЗАЦИЯ
ИНИЦИАТИВ
«ОТКРЫТОГО
БЮДЖЕТА» БУДЕТ ПОД
ОНЛАЙН-КОНТРОЛЕМ**

5-бет.



**WINDOWS
ВИРУСЛИ
КОМПЮТЕРЛАРНИ
ТАРМОҚДАН
АЖРАТИШНИ ЎРГАНДИ**

6-бет.



**ТЕЛЕФОН
ЭКРАНИНИ
ТОЗАЛАШНИНГ
4 УСУЛИ**

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqqa boshlagan

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**24 (1550)-son
17-iyun
2022**

@xabaruzofficial
facebook.com/xabar.uz/
@xabaruzofficial

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz



**European Bank
for Reconstruction and Development**

ЕТБ ВАКИЛЛАРИ АКТ ВАЗИРЛИГИДА

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари билан учрашув ўтказилди. Унда АКТ вазири Шерзод Шерматов ҳамда ЕТ-ТБнинг Телекоммуникация, медиа ва технология сектори раҳбари Дерк Вернер иштирок этди.

Учрашув давомида АКТ вазири Ўзбекистонни минтақавий IT марказга, ахборот технологиялари йўналишини асосий драйвер соҳага айлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Шунингдек, пандемия даврида уйдан туриб ишлашга бўлган талабнинг ошгани, ушбу давр мобайнида мамлакатимизда ҳам аутсорсинг хизматлари (ВРО ва КРО) ривожланганини айтиб ўтди. Хорижий компаниялар иштирокчида ВРО хизматларини ривожлантириш ва шу тариқа IT маҳсулот ва хизматлар экспортини ошириш, ёшларни АКТ соҳасига кенг жалб қилиш ҳамда юқори маошли иш билан таъминлашдан иборат эканлигини қайд этди.

ИНҲА, АМИТИ, ТАТУ ВА IT-ПАРК УНИВЕРСИТЕТИ – ХОҲЛАГАНИНГИЗНИ ТАНЛАНГ!



МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН IT МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛМОҚДА. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИДА РАҚОБАТБАРДОШ IT КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХУСУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



МОБИЛ ТЕЛЕФОН ВА ЖАРИМА

(Машина бошқараётганда қўл телефонидан фойдаланганлик учун жарима миқдори энг юқори Европа мамлакатлари)

1. Буюк Британия – 238 евро
2. Нидерландия – 230 евро
3. Дания – 202 евро
4. Испания – 200 евро
5. Руминия – 176 евро
6. Италия – 160 евро
7. Швеция – 144 евро
8. Франция – 135 евро
9. Норвегия – 128 евро
10. Португалия – 120 евро

АКТ сиёсати


АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МАДАНИЯТИ

Буни барча соҳаларга чуқур сингдирмасдан бозор иштирокчиларининг электрон ҳамкорлигини кенгайтириш мумкин эмас

Ахборотни ҳимоялаш бугунги кунда ҳар бир корxonанинг долзарб масаласи ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги ҳодисалари туфайли келадиган зарар ташкилот тақдирига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг кўплаб усуллари ва соҳалари мавжуд. Бугунги мақоламизда ташкилотларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий ҳужжати саналмиш ахборот хавфсизлиги ҳужжати тўғрисида сўз юритилади.

Таъкидлаганимиздек, ташкилотда ахборот хавфсизлигини таъминлашни самарали ташкил этиш воситаларидан бири бу ахборот хавфсизлиги сиёсатини жорий этишдир. Хўш, ахборот хавфсизлиги сиёсати нима, у қандай жорий этилади ва жорий қилишдан мақсад нималардан иборат?



Манба: Autotraveler



Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июн куни Бирлашган Араб Амирликларининг Ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Ғарғавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги қўл қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июн куни стандартлаштириш ва сертификатлаш соҳасидаги самарадорликни ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология соҳаларида самарадорликни ошириш, мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий услубларни жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 июн куни АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Майкл Курилла бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик соҳасидаги амалий алоқаларни давом эттиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 6 июн куни Тошкент ер усти ҳалқа метросининг иккинчи босқичи қурилиши билан танишиш чоғида жамоат транспорти тармоғини кенгайтириш ва метрополитен инфратузилмасини ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берган эди. 13 июн куни ушбу ишларни ташкил этишга қаратилган лойиҳалар тақдими билан танишилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 15 июн куни аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор ва “2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги фармойиш эълон қилинди.

ШЕРМАТОВ ВА КУДБИЕВ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРAT АССОЦИАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУЛОҚOT ЎТКАЗИШДИ



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ ШЕРЗОД ШЕРМАТОВ ҲАМДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИ РАИСИ ШЕРЗОД КУДБИЕВ БИЛАН ЭЛЕКТРОН ТИЖОРAT АССОЦИАЦИЯСИ ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ОЧИҚ МУЛОҚOT БўЛИБ ЎТДИ.

Мулоқотда электрон тижорат субъектлари йўналишида солиққа оид қонунчилик янгиланган, юзага келиши мумкин бўладиган тушунмовчиликларни биргаликда кўриб чиқиб, уларга ечим топиш масалалари муҳокама қилинган. Шу билан бирга, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга қўмаклашиш, бюрократик

тўсиқларни бартараф этиш каби масалалар ҳам кўриб чиқилган.

Учрашувда фискал чекларнинг электрон тижорат иштирокчилари томонидан тақдим этилиши механизми, тўлов ташкилотлари томонидан бериладиган фискал чеклардаги 1 фойз миқдордаги пул маблағини қайтариш тартиби, Электрон тижорат субъектларига

техник, ҳуқуқий ва солиқ масалаларига бағишланган электрон ахборот ресурсини ташкил этиш масалалари ҳам кўрилди.

Электрон тижорат субъектлари фаолиятини доимий қўллаб-қувватлаш мақсадида вазирлик, қўми-та ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, тизимли ишлаш белгилаб олинди.

Саммит



Екатерина Кардава

Директор Бюро гражданской службы
Грузии

Ekaterina Karava

Director of Civil Service Bureau
Georgia

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ САРИ

Кеча, 16 июн куни Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида Европа иттифоқи ва БМТ ривожлантириш дастурининг техник кўмағида ташкиллаштирилган Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Иккинчи минтақавий саммит ўз ишини бошлади. Унда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

Саммитда АКТ вазири биринчи ўринбосари Олег Шпекос “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни тезлаштиришда Давлат хизматларини рақамлаштириш” бўйича 3-сессияда спикерлик қиляпти.

Саммит доирасида давлат хизматларини рақамлаштириш соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилотлар

раҳбарларининг тақдимотлари бўлиб ўтмоқда. Тақдимотларда давлат хизматларини рақамлаштириш соҳасида пандемиядан кейинги чора-тадбирлар, карантин шароитининг давлат хизматларини кўрсатишга таъсири ҳамда рақамли хизматларни ривожлантириш бўйича халқаро ҳамкорлик каби масалалар муҳокама қилиняпти. Тадбирда 250дан ортиқ турли ҳукумат, донорлик кенгашлари, бизнес ва фуқаролик доираларининг вакиллари иштирок этмоқда.

Маълумот ўрнида: Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича Биринчи минтақавий саммити ҳам 2021 йилнинг 15–16 ноябр кунлари Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган ва унда “Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда молиявий ресурсларни мобилизация қилиш” мавзуси доирасида мулоқот қилинган эди.

Саммит бугун якунланади.



ИНҲА, АМИТИ, ТАТУ ва IT-ПАРК УНИВЕРСИТЕТИ – ХОҲЛАГАНИНГИЗНИ ТАНЛАНГ!



Матбуот анжуманида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масъуллари, Тошкент шаҳридаги Амита университети бошқарув директори в.б. Бобур Абдуллаев, “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ директорининг ҳудудий ривожлантириш бўйича ўринбосари Абдулаҳад Кучкаров, ИНҲА университети ректори Музаффар Жалолов ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Бахтиёр Маҳкамов қатнашди.

Учрашувда мамлакатимизда ахборот технологияларига ихтисослашган университетларидаги янгиланган қабул квоталари, яратилган шароитлар ва янги йўналишлар ҳақида маълумот бериб ўтилди. Жумладан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетидан рақамли технологияларнинг ривожланиш тенденциясидан келиб чиқиб, жорий ўқув йилида ушбу университетда сунъий интеллект, мехатроника ва робототехника, кибер-хавфсизлик инжиниринги каби жамаи ўндан ортиқ янги йўналишлар ташкил қилингани таъкидланди.

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидан эса жорий ўқув йилида давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш бўйича 50 нафар талаба қабул қилиниши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жорий ўқув йилида Тошкент шаҳридаги Амита университетига давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш бўйича 30 нафар талаба қабул қилиниши белгиланган.

Матбуот анжумани давомида Ўзбекистондаги илк онлайн, яъни рақамли университет ҳисобланган IT-PARK UNIVERSITY фаолиятига тўхталиб ўтилди ва университетлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка урғу берилди.

Янги форматдаги олийгоҳ асосчилари IT-Парк ва EPAM Systems компанияси ҳисобла-

нади. Университет дастури битирувчилар учун замонавий ва юқори талабга эга ахборот технологиялари соҳасидаги касбларни эгаллашга қаратилган. Ўқув жараёни гибрид форматда, асосан онлайн тарзда олиб борилади.

Таълим жараёни Web Developer, Networks Engineer, Software Tester, Backend Developer (Java), Mobile Developer (Android), Front-End Developer, QA Engineer, Big Data Engineer мутахассисликлари бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон бўйлаб ёшлар учун сифатли IT таълим олиш имкониятини таъминлаш мақсадида контракт тўловлари бошқа тижорий университетлардагига нисбатан пастроқ қилиб белгиланган. Тўлов нархи бир йил учун 9 миллион сўмдан бошланади.

Матбуот анжумани давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

● Маълумот ўрнида:

IT-Park University рақамли университети Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан ташкил этилган бўлиб, 2022/2023 ўқув йилидан фаолиятини бошлайдди. Университет “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ билан EPAM Systems МЧЖ шаклидаги хоризжий корхонаси ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ кадрлар тайёрлашни ташкил қилади.

Университет нодавлат олий таълим ташкилоти ҳисобланади ҳамда ўқитиш тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Университетда ўқитиш ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофавий таълим шаклида амалга оширилади. Университет битирувчиларига республикада олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинган ўз намунасидаги диплом берилади.

Маҳфуза РҲЙИДИНОВА

Мулоқот

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шерзод Шерматов Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бўлиб, институт фаолияти ва у ерда амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

АКТ вазирининг институт ўқитувчилари, олим ва профессорлар билан очиқ мулоқоти давомида уларнинг таклифлари, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда белгилаб берилган тажриба-синов лойиҳаларини амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Очиқ мулоқот давомида, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш ҳамда иқтисодий тармоқлар, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш бўйича фикрлар алмашилди. Шунингдек, институтнинг биноси ҳолатини яхшилаш, замонавий техника жиҳозлари билан таъминлаш, илмий фаолиятни ривожлантириш ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан берилган таклифлар асосида “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш бўйича вазифалар белгиланди.

ТАТУ ҳаётидан

“ТАТУ ТАЛАБАЛАРИ” СТУДИЯСИДАН ИЛК СПЕКТАКЛ

Кеча Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида “ТАТУ талабалари” театр-студияси ижодкорлари томонидан илк бор “Ёнимиздаги фаришталар” номли спектакл намоиши бўлиб ўтди.

Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари спектаклни мароқ билан томоша қилишди. Ҳар бир талаба-актёр ўз ролини маромига етказиб ижро этди. Спектакл мавзусининг тўғри танланганлиги, доғзарблиги, талабаларнинг профессионал санъаткорлар каби моҳирона ижроси барчада катта таассурот уйғотди.

Спектаклда ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, касалликка қарши мардона курашаётган фидойи шифокорларимиз фаолияти очиб берилди.

БИЗ ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИМИЗ!

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи препаратларнинг истеъмоли ҳамда ноқонуний айланиши билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, ОИТСга қарши кураш долзарб масалалардан бири.

Тошкент ахборот технологиялари университети талаба-ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати шу масалага бағишланди. Тадбирда Республика ихтисослаштирилган нарколегия илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент шаҳар филиали нарколог шифокори С.Интизорова ва Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Д.Яхшибаевлар иштирок этди.

Давра суҳбатида талабалар мутахассислардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

«1» АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ МАДАНИЯТИ



АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СИЁСАТИНИНГ КЎПЛАБ ТАЪБИРЛАРИ ТУРЛИ ХУЖЖАТЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН, ШУЛАРДАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ УЧУН МОС КЕЛУВЧИ ТАЪБИР ШУНДАЙ: АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СИЁСАТИ – БУ КОРХОНА ЁКИ ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН КУНДАЛИК АМАЛИЁТИДА АМАЛ ҚИЛАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ҚОЙДАЛАР ВА ТАМОЙИЛЛАР ТЎПЛАМИ.

1. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚИШ АСОСЛАРИ

Ахборот хавфсизлиги сиёсати, биринчи навбатда, корхонада ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсад ва вазифаларини фаолиятга сингдириш учун зарурдир. Фаолият юритаётган ҳар бир ходим шуну тушуниши керакки, хавфсизлик ходими нафақат маълумотлар чиқиб кетишини текширувчи, балки компания хатарларини минималлаштириш ва шу сабабли компания рентабеллигини оширишда ёрдамлашувчидир.

Юртимизда электрон ҳукуматни куриш, давлат органлари фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Ҳукуматнинг тегишли қарорлари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги стандартларга (O'z Dst ISO/IEC 270XX) мувофиқ ҳар бир ташкилотда ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиниши лозимлиги юзасидан талаблар келтирилган. Хусусан, O'z Dst ISO/IEC 27002 стандартининг 5-бобида Ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича талаблар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий тамойиллари ва тартибини белгиловчи “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича услубий қўлланмалар” ҳам 2013–2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот–коммуникация тизимини ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси комиссиясининг 2016 йил 23 февралдаги 7-баёни билан тасдиқланган.

Услубий қўлланма ташкилотда хавфсизликни бошқариш бўйича амалий чораларни ташлаш, шунингдек, ташкилотлар ўртасида маълумотлар алмашишда уларнинг яхлитлиги, қулайлиги ва махфийлигини таъминлаш учун асосдир.

Буни барча соҳаларга чуқур сингдирмасдан бозор иштирокчиларининг электрон ҳамкорлигини кенгайтириш мумкин эмас

2. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СИЁСАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БОСҚИЧЛАРИ

Мавжуд услубий қўлланмага мувофиқ ахборот хавфсизлиги сиёсатини (кейинчалик матнда – Сиёсат) ишлаб чиқиш уч бошқичда амалга оширилади. Сиёсатни ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳ ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади, унда куйидаги шахслар бўлиши керак:

- ташкилот раҳбарияти вакили;
- ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича масъул,
- кадрлар бўлими бошлиғи (HR хизмати);
- техник бўлинмалар вакиллари (ахборот хавфсизлиги маъмури, тармоқ маъмури, маълумотлар базаси маъмури ёки бошқа ваколатли ходимлар).

Заруриятга қараб, ташкилотнинг бошқа ходимларини, учинчи томон ихтисослаштирилган ташкилотларини ёки мутахассисларни жалб қилиш мумкин.

Сиёсатни ишлаб чиқиш тартиби куйидаги бошқичларга бўлинади:

Биринчи бошқич. Дастлабки хавфсизлик аудити, шу жумладан, ахборот хавфсизлиги ҳолатини дастлабки ўрганиш ва инвентаризация қилиш, ташкилот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш, ҳимоя қилиниши лозим ресурсларни аниқлаш, рискларни аниқлаш.

Аудит жараёнида ахборот хавфсизлигининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилади, мавжуд заифликларни, фаолиятнинг энг муҳим соҳалари ва ташкилотнинг хавфсизликка таҳдид жараёнларига энг сезгир йўналишлари аниқланади.

Аудит ташкилотнинг ахборот хавфсизлигининг таҳдидлари ва заифликларини аниқлашга, сиёсатни ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотларни олишга, шунингдек, ташкилотни ахборотлаштириш объектларини кейинги сертифицикашга тайёрлашга имкон беради.

Ташкилот аудити давомида куйидагилар амалга оширилади:

- ташкилотнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармон ва қарорлари талабларига мувофиқлиги ўрганилади ва таҳлил қилинади, Ўзбекистон Республикасининг норматив–ҳуқуқий ҳужжатлари тоифаларга тақсимланиши, шунингдек, ташкилотда ахборот хавфсизлиги масалаларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг ижроси ўрганилади;
- ташкилотнинг компютерлари ва серверларини дастлабки текшириш, яъни ишлатилган операция тизимларнинг соғломлиги, дастур ва тизим дастурлари (дастурий таъминот), ахборот хавфсизлиги воситалари, шунингдек, ахборот–коммуникация технологияларига киритилган бошқа қўшимча қурилмалар ва бошқалар таҳлил қилинади;
- ахборот хавфсизлигининг таҳдидлари ва заифликлари учун ташки-

лот веб-сайти таҳлил қилинади;

- ташкилот ҳудуди, периметри ва биналарининг жисмоний ҳимоя қилиниши таъминлаш бўйича амалга оширилган чора–тадбирлар таҳлил қилинади, яъни хавфсизлик тизими, киришни бошқариш воситалари, ёнғин хавфсизлиги тизимлари ва бошқалар;
- суҳбат орқали ташкилот ходимларининг ташкилотда ўрнатилган ахборот хавфсизлиги қоидалари тўғрисида хабардорлиги баҳоланади;
- ташкилотнинг ахборот ва моддий ресурсларини туркумлаш ва инвентаризация қилиш таҳлили амалга оширилади.

Иккинчи бошқич. Ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги сиёсати лойиҳасини ишлаб чиқиш. Сиёсатни ишлаб чиқишда куйидаги асосий қоидаларга риоя қилиш талаб этилади:

- сиёсат амалдаги қонунчиликка ва давлат стандартлари талабларига тўлиқ мос бўлиши лозим;
- сиёсат матнида икки томонлама талқин қилишга имкон бермайдиган аниқ ва бир маъноли жумлалар бўлиши лозим.

Умуман олганда, сиёсат ахборот тизимлари ва ахборот хавфсизлиги воситаларини амалга оширишда ва улардан фойдаланишда, шунингдек, маълумот алмашиш ва ахборотни қайта ишлаш операцияларини бажаришда фойдаланувчилар, маъмурулар ва бошқа мутахассисларнинг талаб қилинадиган хатти–ҳаракатлари тўғрисида аниқ тасаввур бериши керак.

Сиёсат – бу ташкилотнинг барча манфаатдор томонларига чекловларсиз тақдим этилиши мумкин бўлган оммавий ҳужжат.

Учинчи бошқич. Ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги сиёсатини мувофиқлаштириш ва амалга ошириш. Ишлаб чиқилган сиёсат лойиҳаси тегишлича Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ва ваколатли органларга тасдиқлаш учун юборилади ҳамда тасдиқлангандан сўнг ташкилот раҳбарининг буйруғи билан кучга киради. Шу билан бирга, тасдиқланган сиёсатни тўлиқ амалга ошириш учун аниқ саналар ва ижрочилар билан сиёсатни амалга ошириш бўйича тармоқ ҳаракатлар режаси ишлаб чиқиши лозим.

Ушбу режа Ходимларнинг лавозим тавсифлари, бўлинмалар тўғрисидаги низом, ташкилотнинг шартномавий (контракт) мажбуриятлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун маъсулият ва мажбуриятларини ўз ичига олиши керак.

Ташкилотнинг барча ходимларини тасдиқланган сиёсат талаблари ва қоидалари билан таништириш, шунингдек, ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича мунтазам тушунтириш тадбирларини ўтказиш тартибини таъминлаш керак.

Агар сиёсат талаблари ташкилотдан ташқарига чиқса, ахборот хавфсизлиги талаблари учинчи томон ташкилотла-

ри билан шартнома мажбуриятларига киритилиши керак.

3. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ СИЁСАТИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШ

O'z Dst ISO/IEC 27002 стандартига мувофиқ ташкилотда ахборот хавфсизлигининг сиёсатини ишлаб чиқиш, қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш учун жавобгар мансабдор шахслар тайинланган бўлиши лозим.

Шунингдек, услубий қўлланмага мувофиқ сиёсат йилига камида бир марта, шунингдек, куйидаги ҳолларда кўриб чиқиши керак:

- ахборот хавфсизлигига оид янги норматив–ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив–ҳуқуқий ҳужжатларни ўзгартириш ва тасдиқлашда;
- конфигурацияни ўзгартирганда, ахборот жараёнлари технологиясини ўзгартирмайдиган дастурий таъминот ва аппарат, дастурий таъминот ва аппаратларни қўшиш ёки олиб ташланганда;
- объект маълумотларини ҳимоя қилишнинг техник воситалари кон-фигурациясини ва соғломлигини ўзгартирганда;
- ахборот хавфсизлиги учун масъул бўлган мансабдор шахслар – фойдаланувчи ва техник ходимларнинг таркиби ва мажбуриятларини ўзгартирганда.

Бундан ташқари, ташкилотнинг ахборот хавфсизлиги фаолияти қабул қилинган сиёсатга мувофиқлигини мунтазам равишда текшириб туриши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ташкилот томонидан сиёсат талаблари ва қоидаларига риоя қилиниши юзасидан ташкилотнинг ахборот инфратузилмасини ички ва ташқи аудитини ўтказиш орқали Сиёсатнинг самарадорлигини янгилаш ва баҳолаш амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуну айтиш мумкинки, ахборот хавфсизлиги бугунги кунда республикамизнинг рақамли иқтисодий тизимини ривожлантиришнинг энг муҳим элементи даражасига кўтарилмоқда. Ахборот хавфсизлиги маданиятини мамлакатнинг тижорат ташкилотлари ва давлат тузилмалари фаолиятининг барча соҳаларига чуқур сингдирмасдан бозор иштирокчиларининг электрон ҳамкорлигини кенгайтириш ва янги ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш мумкин эмас. Ташкилотларда ахборот хавфсизлиги маданиятини оширишнинг энг самарали воситаси бўлган ахборот хавфсизлиги сиёсати замонавий шароитда муҳим омили бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, юртимизда иқтисодий фаолият ва давлат бошқаруви жараёнларининг рақамлаштирилиши кучайиши билан ахборот хавфсизлиги сиёсатининг роли тобора ошиб бормоқда.

Акбар ХОДЖАЕВ,
“Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи

Шерзод ШЕРМАТОВ ПОСЕТИЛ САМАРКАНДСКУЮ ОБЛАСТЬ С РАБОЧИМ ВИЗИТОМ

11 июня Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан Шерзод Шерматов принял участие в церемонии открытия ВРО-школы, организованной резидентом IT-Park — СП «KMS Trans SO» в Самаркандской области.



«KMS Trans SO» работает в сфере логистики и контроля за движением грузовиков в США. В настоящее время в логистической компании работает 20 молодых людей. В компании созданы все необходимые условия для работы, от сотрудников требуется лишь свободное владение английским языком и навыки работы на компьютере.

Основная цель открывшегося нового ВРО-центра — обучить молодежь, подготовить ее к работе и тем самым, увеличить количество сотрудников.

Кроме того, в рамках поездки в Самаркандскую область, министр принял участие

в открытии нового учебного центра WEPRO. В настоящее время в нем обучается около 100 студентов по разным направлениям ИКТ-сферы.

При этом министр ИКТ ознакомился с деятельностью учебного центра и дал необходимые консультации слушателям.

Шерзод Шерматов подчеркнул важность укрепления сотрудничества с IT-центрами и расширения деятельности центров ВРО по подготовке высококвалифицированных кадров в сфере ИКТ.

МИНИСТР ИКТ ОЗНАКОМИЛСЯ С ПРОВОДИМОЙ РАБОТОЙ КОЛЛ-ЦЕНТРОВ

Министр ИКТ Шерзод Шерматов осуществил визит в Единый центр обслуживания звонков (254/255 ЭАТС) при филиале «Центр продаж и обслуживания» АК «Узбектелеком».



В начале визита Министр ИКТ ознакомился с проводимой в службе работой и условиями, созданными для персонала.

Специалисты центра рассказали о проводимой работе по развитию колл-центра, планах по расширению штата и новых проектах, которые будут реализованы в ближайшее время.

Затем результаты были рассмотрены. В частности, в Call-центр на сегодняшний день привлечено около 1000 сотрудников, которые обслуживают звонки касательно деятельности более десятка государственных


органов, общественных организаций и бизнеса. В частности, за полгода создано около 300 новых рабочих мест. Также планируется предоставлять и расширять услуги колл-центра для еще большего числа государственных учреждений и предприятий.

Во время визита особое внимание было уделено результатам, достигнутым в ходе деятельности. Он также проинформировал о проектах, которые планируется запустить для увеличения числа клиентов.

В ходе презентации Министр ИКТ Шерзод Шерматов высказал свои предложения и замечания, а также поручил создать больше рабочих мест в регионах. Он отметил, что совместное изучение предстоящей работы и существующих проблем поможет найти решение.

РЕАЛИЗАЦИЯ ИНИЦИАТИВ «ОТКРЫТОГО БЮДЖЕТА» БУДЕТ ПОД ОНЛАЙН-КОНТРОЛЕМ

На портале «Открытый бюджет» заработала функция общественного контроля за проектами инициативного бюджета. Об этом сообщила пресс-служба Минфина.



Функция доступна в специальном разделе сайта. В нём инициаторы и другие пользователи смогут отслеживать ход работ по предложениям, признанным победителями отбора.

Участники портала могут как наблюдать напрямую за продвижением работ, так и отправлять комментарии об их выполнении — в виде текста либо фотографий.

Гражданам также предоставляется возможность оценить реализацию инициативы. На основе их оценок будет составлен и опубликован «рейтинг регионов».

До этого на сайте появился онлайн-мониторинг финансирования инициатив, выбранных гражданами. Граждане могут напрямую отслеживать, сколько средств выделено, сколько из них израсходовано и

сколько осталось, а также узнавать об исполнителях работ.

ДЛЯ ИНТЕРНЕТА ИЛОНА МАСКА АКТИВИРУЮТ ЛАЗЕРНЫЕ СПУТНИКИ

Проект интернета Starlink, принадлежащий Илону Маску, готовится активировать первую партию новых спутников. Это аппараты с оптическими каналами связи, лазерными, которые позволят улучшить покрытие и повысить скорость.

Starlink уже подал заявку в Федеральную комиссию по связи (FCC), чтобы получить разрешения на активацию.

В начале прошлого года Илон Маск сообщил, что все новые спутники будут оснащены лазерами. Их активация также позволит космическим кораблям передавать данные, не полагаясь на наземные станции.

AMAZON В 2022 ГОДУ НАЧНЕТ ДОСТАВЛЯТЬ ГРУЗЫ ПРИ ПОМОЩИ ДРОНОВ

Американская корпорация Amazon намерена в 2022 году запустить в США доставку небольших посылок при помощи беспилотников. Об этом говорится в заявлении компании, размещенном на ее сайте в понедельник.

«Наши команды, в составе которых сотни ученых, инженеров, специалистов в сфере аэрокосмических технологий и футурологов, упорно старались реализовать это (доставку при помощи дронов), и позднее в этом году клиенты Amazon, проживающие в Локфорде (штат Калифорния), станут одними из первых, кто получит доставку от Prime Air», — сообщила компания.

Amazon с 2016 года занимается разработкой беспилотных летательных аппаратов для доставки небольших грузов. На сегодняшний день компания располагает несколькими экспериментальными устройствами.

ОМАН ЗАПУСКАЕТ МАЙНИНГ КРИПТОВАЛЮТ НА ФАКЕЛАХ ПРИРОДНОГО ГАЗА


Американская фирма Crusoe Energy, которая специализируется на использовании избыточного природного газа для майнинга биткойна, скоро начнет развёртывание генераторов и оборудования для сбора сжигаемого газа в столице Омана Маскат.

Генеральный директор Crusoe Чейз Лохмиллер прокомментировал, что компания считает важным присутствие в регионе Ближнего Востока и Северной Африки, поскольку на эту локацию приходится 38% мирового сжигания избыточного природного газа из нефтяных скважин.

Ожидается, что пилотный проект по первому развёртыванию на Ближнем Востоке будет запущен к концу года или в начале 2023 года. Лохмиллер сообщил, что, хотя состояние финансовых рынков и биткойна «определённо оказывает некоторое влияние на общий доход, оно не влияет на планы роста и расширения».



АРМАНИСТОН ОРТИДАН МОЛДОВА ҲАМ ЎЗ ЙЎЛДОШИНИ ФАЗОГА ОЛИБ ЧИҚАДИ



2022 йилнинг 25 май куни SpaceX компаниясининг Falcon 9 ракетаси Арманистоннинг ilk фазовий йўлдошини Ер орбитасига олиб чиққанди.

Худди шу ракета молдовалик тадқиқотчилар яратган нанойўлдошни 30 июн куни очик космосга олиб чиқиши кутиляпти. Аслида парвоз 10 июнда амалга оширилиши керак эди, бироқ космик кеманинг двигател қисмидаги техника муаммо сабаб парвоз кечиктирилди.

Молдова тез орада Ер орбитасида ўз йўлдошига эга давлатлар қаторига қўшилади.

Молдованинг йўлдоши фазода радиация ва газлар тўпланишини ўрганади. TUMnanoSAT нанойўлдошини яратиш учун Фазовий технологиялар миллий марказининг 15 кишилик жамоаси қарийб уч йил тинмай меҳнат қилди. Қурилма Бухарест (Руминия) Фазо фанлари институтида Япония Миллий фазовий

агентлиги мутахассислари томонидан синавдан ўтказилди. Сертификат олган нанойўлдош АҚШга юборилди.

Молдоваликларнинг сунъий йўлдоши Ердан 430 километр оқсикдаги орбитага олиб чиқилади. Унинг тезлиги сониясига 8 километрни ташкил этади.

Нанойўлдош 10 сантиметрли қиррали куб шаклида бўлиб, оғирлиги — 1,2 килограмм. Унга ўрнатилган камера тасвирларни бевоасита Молдова техника университетига узати туради.

РАДАР ДЕВОР ОРТИНИ ҲАМ КЎРАДИ

Исроилда "девор ортини кўрувчи" радар — Xaver 1000 ишлаб чиқилди. Янги авлод портатив радардан разведка бўлинмалари, полиция ва қутқарувчилар фойдаланиши мумкин, деб ёзди Defence Blog. Қурилма сунъий интеллектга асосланган нишонларни кузатиш алгоритми ҳамда деворлар ортидаги статик объектларни визуаллаштирувчи функцияга эга.



Таъкидланишича, визуализация ўлчами шунчалик юқорики, Xaver 1000

девор ортидаги одам тик турибдими ёки ўтирибдими, ҳатто унинг тана аъзолари-гача фарқлай олади.

Радар 10,1 дюймилли сенсор экран ва уни ўрнатиш учун штативдан иборат. Олинган маълумотларни ёзиб олиш хусусиятига эга.

АВТОГИГАНТ СМАРТФОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ



Geely автогиганти смартфон ишлаб чиқарувчи Meizu компаниясини сотиб олмоқчи. У компания акцияларининг 79,09 фоизига эгаллик қилишни кўзляпти.

Автогигант машиналар ишлаб чиқариш билан бирга смартфонларни дастурий қўллаб-қувватлаш билан ҳам шугулланишни режалаштиряпти. Шунингдек, смартфонлар ва автомобиллар ўртасида хизматлар интеграцияси ва экотизим пайдо бўлади.

Meizuning ҳам режалари ўзгарган, смартфонлар бозорида ишлари бароридан келмагач, бошқа қурилмаларга ургу бераётгани.

2003 йили асос солинган Meizu ўша пайтлар смартфонлар бозорида етакчилардан эди. Сўнгги йилларда Xiaomi,

OPPO, Vivo каби компаниялар уни сиқиб чиқарди.

WINDOWS ВИРУСЛИ КОМПЬЮТЕРЛАРНИ ТАРМОҚДАН АЖРАТИШНИ ЎРГАДИ

Windowsнинг ўрнатилган ҳимоя тизимлари хавфли компьютерларни блоклаши мумкин. Бу ҳақда BleepingComputer хабар берди.

Windows учун ўрнатилган Microsoft Defender антивирусининг янги хусусияти журналистлар эътиборини тортди. Маълум бўлишича, тармоққа уланган муайян



компьютер хакерлик ҳужумига учраганлигини аниқласа, хавфсизлик тизими уни ажратиб қўйиши мумкин.

Муаллифларга кўра, агар тармоқда бузғунчилар ёки зарарланган қурилмаларнинг излари топилса, тизим маъмурлари муайян ускунага ишора қилиши мумкин — бу ҳолда зарарланган шахсий компьютер карантинга олинади. Microsoft Defender муаммони локализация қилиш ва тармоқдаги бошқа қурилмаларни зарarli дастурлар юклаб олишдан ҳимоя қилишда ёрдам беради.

Халқаро ҳаёт

ИНСОНИЯТ ХАВФ ОСТИДА — БМТ БОШ КОТИБИ



БМТ бош котиби Антониу Гутерриш Австрияда ўтаётган иқлим ўзгаришларига бағишланган жаҳон саммити иштирокчиларига мурожаат қилди.

Имкон қадар иқлим инқирози хунук оқибатларининг олдини олиш керак. Сайёраимиз 1,3 даражага исиган. Иқлим исиси бундан ҳам юқориламаслиги учун 2030 йилгача захарли газлар чиқарилишини 45 фоизгача камайтириш, аср ўрталарига қадар эса бутунлай барҳам бериш керак, деди бош котиб.

БМТ маълумотларига кўра, 2021 йилда энергетика соҳасида CO2 чиқиндилари 6 фоизга ошди. Шу суръат сақланиб турса, ўн йиллик охирига бориб бундай чиқиндилар миқдори 14 фоизгача етиши мумкин.

"Аксариат мамлакатлар ҳукуматлари масалани пайсалга солиш билан овера, ҳаракатсизлик эса аянчли оқибатларга олиб келади. Иқлим ўзгаришлари яққол сезилаяпти, ярим инсоният — хавфли зонада", — деди Антониу Гутерриш

МАЙМУН ЧЕЧАГИ 39 МАМЛАКАТДА ҚАЙД ЭТИЛДИ — ЖССТ ФАВҚУЛОДДА ЙИГИЛИШ ЎТКАЗАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маймун чечаги тарқалишининг жаҳон ҳамжамиятига таъсирини баҳолаш учун фавқулодда кўмитани йиғди. Бу ҳақда ЖССТ бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус маълум қилди.

Reuters аниқлик киритишича, йиғилиш 23 июнга белгиланган бўлиб, айни пайтда коронавирус ва полиомиелитга нисбатан қўлланилаётганга тенг юқори

даражадаги оғоҳлантириш ҳисобланади.

ЖССТ маълумотларига кўра, 2022 йилда маймун чечаги буйича 39 мамлакатда 1600та тасдиқланган, 1500та шубҳали ҳолат аниқланган, 72та ўлим ҳолати қайд этилган.

ЕЛИЗАВЕТА II — МУТЛАҚ РЕКОРДГА ИККИ ЙИЛДАН ОЗРОҚ ҚОЛДИ

Британия қироличаси Елизавета II узоқ ҳукмронлик қилиш буйича тарихдаги иккинчи монархга айланди. У 70 йил ва 126 кун ҳукмронлик қилган (1927–2016 йиллар) Таиланд қироли Пумипон Адудядет (Рама IX)нинг курсаткичини янгилаб, рўйхатда бир поғона кўтарилди.

Мутлақ рекордни янгилаб, биринчи бўлишдан эса 96 ёшли инглиз қироличасини икки йилдан камроқ вақт ажратиб турибди. Франция қироли Людовик XIV (1638–1715 йиллар) 72 йил ва 110 кун ҳукмронлик қилган.



Елизавета кўллаб рекордларни ўрнатиб қўйди: ҳозирги давлат раҳбарлари орасида энг ёши улуғи, аёл монархлар орасида энг узоқ вақт тожни бошида кўтариб юргани.

Елизавета II қироличалик даврида 100дан зиёд мамлакатга ташриф буюрган, 21 мингдан ортиқ тадбирда қатнашган. 4 мингта қонунга қироллик санкциясини берган, Лондонга давлат ташрифи билан келган 112 нафар давлат раҳбарини қабул қилган. Унинг ҳукмронлиги даврида Буюк Британияда 14 нафар бош вазир, АҚШда 14 нафар президент алмашган.

"ОСИЁ НАТО"СИ ТУЗИЛАДИМИ?

АҚШ Ҳинд-Тинч океани минтақасида қарама-қар



шилиқлар кучайиб, совуқ уруш пайдо бўлишини истамайди. Бу ҳақда АҚШ муҳофаа вазири Ллойд Остин баёнот берди.

"Шуни яхши билиб олишингиз керак, биз қарама-қаршилиқлар ёки низоларга интилмаяпмиз. Совуқ уруш бўлишиниям, Осиё НАТОси ташкил этилиши ёки минтақанинг душман блокларга бўлиниб кетишиниям истамаймиз", — деди Пентагон раҳбари.

Унинг айтишича, АҚШ минтақада ўз манфаатларини қатъий ҳимоялашда давом этади. Бироқ бу тафовутларни кўпайтириш эмас, балки хавфсизликни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни кенгайтириш йўналишида бўлади.

СУДАНДА САЛКАМ

16 МИНГТА ҚЎЙ ЧЎКИБ КЕТДИ

Суданнинг Суакин портида бортига салкам 16 минг бош қўй ортилган кема чўкиб кетди. Sky News Arabia телеканали хабар беришича, ортиқча юкпаниш, тўғрироғи, беш кўлни баравар оғизга тиқиб кемани чўктирган.

Телеканалда интервью берган порт вакилининг айтишича, Саудия Арабистонига (Қурбон ҳайити муносабати билан) жўнатиш учун 15 800 бош қўй ортилган "Ал-Бадри-1" кемаси портнинг ўзидаёқ сувга гарқ бўлган. Аслида бу кема кўли билан 9 минг бошгача жониворга мўлжалланган, бироқ кейинчалик кема конструкцияси ўзгартирилиб, максимал юк курсаткичи 12 минг бошгача оширилган. Шу ҳам камлик қилди... салкам 4 минг бош ортиқча қўйни кемага амаллаб сигдиришди. Лекин физикани алдаб бўлмайди...

Дарвоқе, кема экипажи вақтида эвакуация қилинган, одамлар соғ-омон.

Кўп минглаб жониворларнинг ҳалокати Қизил денгизда жиддий экологик муаммони келтириб чиқариши мумкин.

ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ БАРҲАЁТ

Ёшгина Амриддин мактаб даврларидаёқ кўпроқ билим олишга қизиқар, турли тўғарақларда қатнашар, мактаб деворий газетаси муаллифи ҳамда керак бўлса кичик синфларга дарс ўтиш қобилиятига ҳам эга эди.

Ўрта мактабни олтин медал билан битиргач, 1958 йили Ленинград политехника институти (ҳозирги Санкт-Петербург техника университети) радиоинженерлик йўналиши бўйича таҳсил олди. 1964 йили институтни муваффақиятли тугатгач, Ўзбекистон фанлар академиясининг ядро институтида кичик илмий ходим ва аспирант вазифаларида ишлади. Икки йиллик ҳарбий хизматни тугатгач, шу институтда иш фаолиятини давом эттирди. Устозлари – ЎзФАнинг ядро институтида лаборатория мудири, физика фанлари доктори, профессор Озода Ниязовадан қаттиқ жисмлар физикасини амалий томондан, физика фанлари доктори Ўзбекистон миллий университети профессори Шукур Шариповдан эса назарий жиҳатдан ўрганди.

1974 йили Киев ядровий-илмий текширув институтида ядро физикаси соҳаси бўйича илмий ишини муваффақиятли химоя

қилди. 1975 йилдан 2001 йилга қадар Самарқанд давлат университетида катта илмий ходимликдан кафедра доцентлигигача бўлган машаққатли илмий йўлни босиб ўтди.

Шу йиллар давомида А.Салоҳитдинов ва унинг шогирдлари А.Бобоев ва Д.Умаровалар томонидан С.И.Вавилов номидаги Россия давлат оптик институти лабораториялари билан ҳамкорликда кислородли шишаларнинг радиацион-оптик хусусиятлари чуқур ўрганилди. Ўрганишлар натижасида олимнинг “Фан” нашрети томонидан “Радиацион ишлов берилган шишаларнинг физикаси ва химияси” номли монографияси чоп этилган.

Илмий изланишлар билан бирга устоз Самарқанд шаҳридаги академик лицей ва бир қатор умумтаълим мактабларида 2012 йилга қадар ёшларга физика фанидан билим берди.

2013 йили Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси очилди. А.Салоҳитдинов шу кафедрада тўққиз йилдан буён талабаларга билим бериш билан бир қаторда ёш илмий ходимларга докторлик диссертациялари раҳбари бўлиб фаолият кўрсатиб

келди. Бугунги кунга қадар ТАТУ Самарқанд филиалида устоз зотага яқин бакалавр битирувчиларга ва ўнга яқин магистрларга илмий раҳбарлик қилди.

Бундан ташқари, “Телекоммуникация инжиниринги” кафедрасининг ёш олимларидан Ҳотам Мирзақулов, Гўзал Примова, Маъруф Болбеков, Жамшид Ўриновларга техника фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олишда илмий раҳбарлик қилди.

– Устозим Амриддин Салоҳитдинов, аввало, самимий, хушчақчақ, ажойиб инсон эди, – дейди “Телекоммуникация инжиниринги” кафедраси мудири, техника фанлари бўйича фалсафа доктори Ҳотам Мирзақулов. – Техника фанлари соҳасида етук мутахассис сифатида вилоят олий таълим муассасаларида ўз ўрни ва илмий салоҳиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Мени Россия Технологик университетида докторлик (PhD) иши юзасида стажировкага бориб келишимда, мана шу даража ва лавозимга етишишимда устозимнинг беиннат хизматлари бениҳоятда юксакдир. Устоз билан ҳамкорликда, Россия Технологик университети профессори Алексей Юрасов билан биргаликда техни-

ка ва технология университети ҳамда институтлари талабалари учун “Электромагнитизм” номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилди.

А.Салоҳитдинов ЎзФА ядро институти, Самарқанд давлат университети; Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали раҳбарияти томонидан бир неча бор фахрий ёрлик ва ташаккурномалар билан тақдирланган. 2018 йили “Йилнинг энг яхши тадқиқотчи-педагоги” номинацияси бўйича танловда биринчи ўринни эгаллаб мукофотланди.

Устознинг иккита монографияси, 150дан ортиқ илмий мақоалари республика Олий аттестация комиссияси таркибига кирувчи ва чет эл нуфузли SCOPUS журналларида чоп этилган.

Устоз Амриддин Салоҳитдинов саксон бир йиллик умри давомида доимий равишда ёш авлодга таълим беришда ҳеч қачон чарчамади. Ҳозир домла орамизда йўқ, аммо унинг шогирдлари, илмий изланишлари республикамиз илмий салоҳиятини оширишда ҳали узоқ йиллар асқотади.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

Миннатдорлик мактуби

ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ УЧУН РАҲМАТ

Ёшлиқда кексаликка ёруғ юз билан етказсин, дея белни маҳкам бойлаб, оғирликларига дош бериб тер тўкиб ишласангиз, касбда камол топар экансиз. Устозларга эрганиб, бебаҳо ўғитларидан баҳраманд бўлсангиз, бир кун келиб ўз йўлингизни топар экансиз. Кейин қарабсизки, шу ишсиз бир кунингизни ҳам тасаввур эта олмай қоласиз.

Ҳар холда менда шундай бўлди. Ишларим униб, билимларим бойиб боргани сайин ўзимни соҳанинг бутун сеҳру жозибаси ичида кўрдим. Айниқса, мустақиллик шаббодалари эса бошлаган кунларни сира унутма олмайман. Соҳамиз эркинликларни яққол намоеъ этган тармоқ бўлиб майдонга чиқа бошлаганди. Яширмайман, анча ёш эдим. Қалбимда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради. Биз, алоқачилар соҳамизга кириб келган, келаётган янгиланишлардан тўлқинланиб, телекоммуникацияга қизиқишимиз юз чандон ошиб кетганди. Айниқса, 1994-1995 йилларда вилоятимизга республикада биринчилардан бўлиб Daewoo технологияларини киритиш билан боғлиқ жараёнларда шундай бўлган. Таассуфларким, ўша йиллардаги фаолиятимиз кинотасмаларга муҳрлаб қўйилмаган экан. Телекомчи борки, ўзгаришлар асносида билим-салоҳиятини сафарбар этиб, сидқидил меҳнат қилган. Машаққати, синовлари олдида тез фикрлаб, тез хулоса чиқарилган. Энди ортга назар солсам, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Алоқа вазирлиги ва жойлардаги раҳбарлари журъат ва жасорат намуналарини кўрсатишган, бизга эса янги технология, янги техникаларни фаолиятимизга олиб кириш завқи енгилмас куч-қувват бағишлаб келиб экан. Бинобарин, тонготар ишда қўлиб кетсак – да чарчоқ нима – билмаганимиз рост.

Айни мен учун ниҳоятда қувончли кунларда ана шулар хаёлимда кўп айланди. Касб байрамимиз муносабати билан вазиришимиз буйруғига кўра мамлакатимиз алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг юқори даражада юксалиши ва раванқ топиши, шунингдек, республикамиз иқтисодиёти ва соҳа ривожига ўзларининг салмоқли хиссаларини қўшиб келаётганлар қаторида мен ҳам тақдирланганимдан бениҳоя шодман. Ҳар бир инсон ўз касбининг устаси бўлишга интилади.



Ҳаёт мазмунини меҳнатда, касбга муҳаббат ва садоқатда деб билади ва шу туфайли кадр топади. Меҳнатим билан ўзимдан соҳада ёруғ иш қолсин, деб ишлаб, кадр-қиммат топганимга беадад шукр. Бу эътироф биз, алоқачи Назаровлар сулоласи аъзолари – турмуш ўртоғим, 30 йиллик муҳандис Илтмосхон, ўз ишнинг олимаси бўлишга аҳд қилган Олимахон кизим (кроссда электромеханик бўлиб ишлаб, ТАТУ Фарғона филиалида сиртдан таҳсил олаётган) ва техник кўмак муҳандиси куёвимиз-ўғлимиз Элёрбеклар учун қутилмаган совға, тенгсиз саодат бўлди.

Рўзиҳожиди НАЗАРОВ,
“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали
Фарғона шаҳар ТБ ҳисоб ва паспортлаштириш
гуруҳи олий тоифали муҳандиси,
“Ўз касбининг устаси” кўкрак нишони соҳиби


Фармон ва ижро

УРГУТДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали ва Республика Маънавият ва маърифат маркази Ургут тумани бўлинмаси билан ҳамкорликда ушбу тумандаги 40 ҳамда 57-умумтаълим мактабларида тарғибот ишлари олиб борилди.

Тадбирларда филиал матбуот котиби Абдуғафур Ҳотамов, Республика Маънавият ва маърифат маркази Ургут тумани бўлинмаси раҳбари Санжар Мусурмонов ҳамда бош мутахассиси Маъмуржон Ўроқовлар янги ҳужжат, яъни тараққиёт стратегияси энди Янги Ўзбекистоннинг пойдеворини тиклаш ва учинчи ренессансни қуришга қаратилгани, бу буюк бунёдкорлик жараёни 2026 йилгача бўлган даврни қамраб олиши ва йилма-йил амалга ошириб борилиши ҳақида ўқувчиларга тушунчалар беришди.

ТАТУ Самарқанд филиали
ахборот котиби



Телефон экранини тозалашнинг

4 хил усули

Телефонингиз экранини охириги марта қачон тозалаган-сиз? Биласизми, бармоқ изларингиз телефонингиз экранини хиралаштириб қўйишидан ташқари, кундалик ҳаётдаги кир-чирлар ҳам телефонингизни мобил микроблар фермасига айлантириши мумкин. Аризона университети томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, сизнинг телефонингизда оддий ҳожатхона ўриндигига қараганда кўпроқ микроблар мавжуд. Таъбингиз хиралашдими? У ҳолда телефонингиз экранини керакли тарзда тозалаш ўрганиш учун қуйидагиларни билиб олинг.

Тозалашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Аввало, бу қанчалик тозалликка эришмоқчи эканлигингизга боғлиқ. Баъзи усуллар смартфонингиз экранига ёрқин ва янги кўриниш беришига қарамасдан, улар экран юзасида яшайдиган бактерияларни ўлдирмаслиги мумкин.

1. МИКРОФИБЕР МАТОДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Агар сиз экранингиздаги ёғли бармоқ излари ва чангдан қутулмоқчи бўлсангиз, микрофибер мато энг яхши танловдир. Эътибор берган бўлсангиз, телефон устахоналарида смартфонингизга экран ҳимоячасини қўйишдан олдин уни қуруқ микрофибер мато билан тозалаб юборишади ва бу экранни оддий чанглардан тозалайди. Аммо, ёғ ва бошқа кирларни йўқ қиладиган даражада тозалаш учун уни озгина дистилланган сув ёки экранни тозалаш воситаси билан намлашингиз керак.

Албатта, дистилланган сувни излаш биров ортиқча туюлиши мумкин, лекин агар сиз энг яхши натижага эришмоқчи бўлсангиз, бу жуда зарур. Дистилланган сув турли ғуборлардан ҳоли ва шу сабаб экранингизда чиқиқли излар ёки доғлар қолмайди.

Телефонингиз экранда суюқликлардан тежамкорлик билан фойдаланишни унутманг: тозалаш самарали бўлиши учун қурилмангизни сувга бўктиришингиз шарт эмас, шунчаки сув билан матони намланг. Агар сизда микрофибер мато бўлмаса, юмшоқ пахта мато энг яхши муқобилдир.

2. ЭКРАННИ ТОЗАЛАШ УЧУН МАХСУС САЛФЕТКАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Экранни тозалаш учун махсус салфеткалар дистилланган сув билан намланган микрофибер матонинг кулайроқ версиясидир. Улар кўпинча марта марта ишлатиладиган пакетларда ва экранингиздаги кирни қурилмангиз учун муаммо туғдирмасдан олиб ташлаш учун мукамал даражада намланган бўлади.

Экранни тозаловчи салфеткалардан фойдаланишдан олдин телефон экранини чангдан тозалаб юборинг, чунки ойна юзасидаги майда зарралар экран тирналишига олиб келиши мумкин.

3. ДЕЗИНФЕКЦИЯЛОВЧИ ЭКРАН САЛФЕТКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Микрофибер мато, дистилланган сув ва экранни тозаловчи салфеткалар телефонингиз экрандаги кирни тозаласа-да, улар микроблар ёки бактерияларни ўлдирмайди. Агар сиз телефонингиз экранини дезинфекция қилмоқчи бўлсангиз, сизга дезинфекцияловчи экран салфеткаси керак бўлади.

Шуни эътиборга олиш керакки, кўпчилик дезинфекцияловчи экран тозолагичлари таркибда спирт мавжуд. Гарчи суюлтирилган спиртдан тежамкорлик билан фойдаланиш экранингиз учун хавфсиз бўлса-да, ундан мунтазам равишда фойдаланиш экранингизнинг олеофоб қопламасига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли, телефонингиз экранини тозалаш учун дезинфекцияловчи салфеткаларга таянгандан кўра, қўлингизни тез-тез ювганингиз маъқул.

4. ТЕЛЕФОННИ УЛТРАБИНАФША НУРЛАР БИЛАН ТОЗАЛАШ ВОСИТАСИДАН ФОЙДАЛАНИНГ

Ва ниҳоят, агар сиз телефонингизни иложи бори-ча гигиеник тоза қилишга қарор қилган бўлсангиз, сизга UV дезинфекциялаш воситасидан фойдаланиш маслаҳат берилди. Ультрабинафша дезинфекциялаш воситалари микробларни йўқ қилиш учун UV-C (ултрабинафша спектр) нурларидан фойдаланади ва телефонингиздаги микробларнинг 99 фоиздан кўпрогини ўлдириши исботланган. Агар сиз визуал тоза ва стерилланган телефонга эга бўлишни истасангиз, юқоридаги усуллар комбинациясидан фойдаланинг, бу қурилмангизни юқори даражада тоза тартибда сақлайди.

Ёз — ўтмоқда соз!

АЛОҚАЧИЛАР БОЛАЖОНЛАРИ ОРОМГОҲДА

“Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиалига қарашли “Алоқачи” болалар оромгоҳи воҳанинг сўлим Китоб туманининг Қайнар қишлоғи тоғ ёнбағирларида жойлашган.

Бу йилги мавсумга тайёргарлик ишларини Мувофиқлаштирувчи гуруҳ томонидан доимий равишда ўрганилиб, назорат қилиб борилди ва оромгоҳга, энг аввало малакали кадрларни жалб этиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болалар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонларни узлуксиз етказиб бориш масалаларига жиддий эътибор қаратилган.

Оромгоҳ 440 ўринга мўлжалланган бўлиб, барча кулайликлар мавжуд. Ички ва ташқи томони замонавий усулда безатилган хоналарда телевизор, юмшоқ жиҳозлар, маънавий маърифий ва спорт мусобақалари ўтказилиши учун турли тўғрак хоналар (моҳир қўллар, тасвирий санъат, компютер сабоқлари, инглиз тили) фаолият юритиб келяпти. Қутубхона болалар учун турли бадиий адабиётлар ва эртак китоблари билан тўлиқ таъминланган. Малакали тиббиёт ходимлар болажонлар соғлиги учун хизмат қилмоқдалар. Ошхонада уларга беш маҳал мазали таомлар ўз вақтида тортиқ қилинмоқда.

Болаларнинг жисмоний ривожланиши учун футбол, баскетбол, волейбол ва гимнастика майдонлари, теннис столлари, турли аргимчок, бадминтон, шахмат-шашка мусобақалари ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Оромгоҳ етакчи ва тарбиячилари томонидан тадбирлар режа асосида намунали ташкил этилиб келинмоқда. Турли лойиҳалар асосида вилоятдаги шoir ва ёзувчилар, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида юқори натижаларга эришган ёшлар билан давра суҳбатлари ва маънавий-маърифий учрашувлар режа асосида ўтказилиши белгилаб олинган. Давлатимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган маданий-маърифий ва спорт тадбирлари аллақачон бошланган.

Оромгоҳнинг биринчи мавсумида 110 нафар болалар мириқиб дам олди. Кейинги мавсум ҳам шундай кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё
вилоятидаги муҳбири

<p>MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir: Abdug'ani ABDURAHMONOV</p>	<p>Tahrir Hay'ati: Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p>		<p>MANZILIMIZ: 100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori). Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p>									
	<p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar"dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p>		<p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIYEV. Navbatchi: Muhiddin SOLIYEV.</p>									
<p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>	<p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>	<p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>	<p>Г-659 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qoq'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3163</p>	<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17⁰⁰ Bosishga topshirish vaqti — 24⁰⁰</p>								
<p>Viloyat muxbirlari:</p>	<p>Andijonda (74) 226-47-80</p>	<p>Buxoroda (99)854-7305</p>	<p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>	<p>Namanganda (91) 353-71-25</p>	<p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>	<p>Nukusda 554-35-45</p>	<p>Samarqandda (91)557-84-44</p>	<p>Termizda (99)508-30-52</p>	<p>Toshkentda 234-18-59</p>	<p>Urganchda (97) 211-65-05</p>	<p>Farg'onada (73) 244-18-05</p>	<p>Qarshida (93)931-08-99</p>